

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Jahon ixtisoslashtirilgan aralash mollari savdo kompleksi» АЖ Кузатув кенгашининг 201_ йил «__»_____даги қарори билан

«JAHON IXTISOSLASHTIRILGAN ARALASH MOLLARI SAVDO KOMPLEKSI» АЖнинг ижроия органи раҳбарлигига танлов ўтказиш

ТАРТИБИ

МУНДАРИЖА

I. Умумий қоидалар

II. Танловга тайёргарлик

III. Танловни ўтказиш

IV. Яқунловчи қоидалар

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур «**JAHON IXTISOSLASHTIRILGAN ARALASH MOLLARI SAVDO KOMPLEKSI**» АЖнинг ижроия органи раҳбарлигига танлов ўтказиш»Тартиби (кейинги ўринларда Тартиб деб аталади) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб аталади), Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия мажлисининг 31.12.2015 й. 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган), «**JAHON IXTISOSLASHTIRILGAN ARALASH MOLLARI SAVDO KOMPLEKSI**» АЖнинг Устави (кейинги ўринларда Жамият деб аталади) ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Тартиб Жамиятнинг Бошқарув раиси лавозимига ва Бошқарув аъзоллигига номзодларни танловини ўтказиш тартибини белгилайди.

Танлов ўтказишнинг асосий принциплари:

очиқлик - танлов бошланиши, унинг ўтказилиши, саралаш ва сараланган номзодларнинг мезонлари тўғрисидаги маълумотларни чоп этиш орқали таъминланади;

доимийлик – «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ижроия органи бўйича таклифларни йўллаш учун белгиланган даврда танловни ўтказиш орқали таъминланади;

тортишув – мазкур Тартибда белгиланган мезонларга мувофиқ номзодларнинг малакавий ва профессионал сифатларини баҳолаш орқали таъминланади.

3. Бош директор ва Бошқарув аъзоллигига номзодларнинг танлови (кейинги ўринларда танлов деб аталади) Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан ўтказилади.

4.Танлов номзодлар бўйича келиб тушган таклифлар асосида ўтказилади.

5. Иқтисод, юридик ва бошқа соҳалардаги, республиканинг бошқа вазирлик ва идораларининг малакавий ходимлари, шунингдек бошқа шахслар, шу жумладан тегишли соҳада зарур малака ва иш тажрибасига эга хорижий менежерлар номзод (кейинги ўринларда номзодлар деб аталади) бўлишлари мумкин.

6. Номзодлар бўйича таклифлар талабгор томонидан мустақил равишда, қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамиятнинг раҳбар лавозимларига номзодлар бўйича таклифларни киритиш ваколатига эга бошқа вазирлик, идора(вазирлик ва идораларнинг ёки хўжалик бошқарув органи номи), акциядорлар ва бошқа шахслар (кейинги ўринларда ташаббускор деб аталади) томонидан киритилади.

7. Танлов муддати, агар Жамият Уставида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Жамиятнинг раҳбар лавозимларига номзодлар бўйича таклифларни йўллаш учун ажратилган муддатни ҳисобга олиши шарт.

8. Жамият Кузатув кенгаши танловни ўтказиш учун Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси аъзолари ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг вакилларида таркиб топган танлов комиссиясини ташкил қилади.

9. Танлов комиссиясининг шахсий таркиби Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

10. Танлов комиссиясининг қарорлари кенгашларда қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

11. Танлов комиссиясининг ишчи органи вазифалари Жамиятнинг кадрлар билан ишлайдиган таркибий бўлинмасига юклатилади.

12. Жамиятнинг корпоратив сайтида танлов бўйича қуйидаги ахборотни жойлаштирилади:

- Мазкур Тартибнинг ва унинг иловаларининг матни;
- танлов комиссияси томонидан тасдиқланган танлов эълонининг матни;
- танловга таълуқли ахборот-тушунтирув материаллари.

13. Жамият танлов тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг Корпоратив ахборотлар портали (www.openinfo.uz)да ҳамда жамиятнинг расмий веб сайтида чоп этади.

II. ТАНЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

14. Ташаббускорлар танлов эълон қилинганидан сўнг белгиланган муддат ичида (агар эълонда бошқа муддат белгиланган бўлмаса) номзодлар тўғрисида маълумотларни тақдим этадилар.

15. Қуйидаги шахслар номзод бўла олмайдилар:

- тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлмаган;
- Инженер, муҳандис, иқтисод, юридик ва бошқа соҳасларда раҳбар лавозимларда камида 3 йиллик иш стажига эга бўлмаган;

- юридик шахснинг якка ижроия органи вазифасини бажарган, коллегиял тартибдаги ижроия органи таркибига кирган ёки юридик шахснинг таъсисчиси бўлган даврда, уларнинг айби билан лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун тегишли фаолият турини амалга ошириш учун тақдим этилган лицензиянинг амал қилиши тухтатилса, агар тўхтатилган вақтдан 3 йиллик муддат ўтмаган бўлса;

- иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлари ёки бошқарув тартибига қарши жиноятлари учун судланганлиги тугалланмаган шахслар;

- юридик шахс банкрот деб топилган вақтда якка ижроия органи вазифасини бажарган ёки юридик шахснинг коллегиял ижроия органи таркибига кирган шахслар, банкрот деб топилган вақтдан 2 йил ўтмаган бўлса;

- Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари ёки Жамиятнинг раҳбари билан қариндошлик муносабатларига эга шахслар.

16. Ташаббускорлар номзодлар бўйича Жамиятга тақдим этилган маълумотларнинг ишончлигини, муҳимлигини ва ҳаққонийлигини таъминлайди.

III. ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ

17. Номзодлар тўғрисидаги белгиланган муддатда тақдим этилган маълумотлар мазкур Тартибнинг 1-сонли иловасида санаб ўтилган ҳар бир мезон бўйича номзодларга бериладиган баллар (умумий 100 баллгача) асосида умумлаштирилади.

18. Бошқарув раиси ёки Бошқарув аъзолари лавозимиغا энг яхши номзодни танлаш мазкур Тартибнинг иловаларида белгиланган мезонларга мувофиқ номзодларга берилган энг кўп жами баллар бўйича амалга оширилади.

19. Агар тўпланган баллар тенг бўлса, Комиссия томонидан сайлов ўтказилади.

20. Танлов комиссиясининг сайлов яқунлари бўйича икки ва ундан ортиқ номзодларда тенг миқдорда овозлар бўлса, танлов комиссиясининг раиси ҳал қилувчи қарорни қабул қилади.

21. Номзодлар бўйича таклифлар мавжуд бўлмаганда, номзодлар Жамият, Ўзбекистон Республикаси тегишли вазирлик ва идоралари ёки вазирлик таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар ходимлари ичидан танлов комиссияси томонидан белгиланади.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31 март 2015 йилдаги ПҚ-2327-сонли Қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиясининг қарори асосида раҳбар лавозимларга тайинланадиган шахслар бўйича танлов ўтказилмасдан қарор қабул қилинади.

23. Кузатув кенгаши раҳбар лавозимларга (номенклатурага киритилган лавозимлар бўйича) энг яхши номзодлар бўйича таклифларнинг келишувини лавозим номенклатурасида белгиланган тартибда ўтказилади.

24. Кузатув кенгаши раҳбар лавозимларга мувофиқ номзодларни акциядорларнинг умумий йиғилишига қонун ҳужжатларида, шунингдек Жамият Устави ва ички ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатда кўриб чиқиш учун киритади. Жамият Устави ва ички ҳужжатлари қоидалари бир бирига номувофиқ бўлса, Устав қоидалари устун ҳисобланади.

25. Жамият ижроия органининг йўналишлари бўйича Бошқарув аъзоларига номзодлар бўйича қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

26. Ташаббускорлар номзодни алмаштириш заруриятига олиб келган ҳолатларнинг пайдо бўлиши тўғрисида Кузатув кенгашини кечиктирмай хабардор қилишлари шарт.

27. Агар номзод бўйича уни алмаштириш заруриятига олиб келган ҳолатлар пайдо бўлган бўлса, Кузатув кенгаши номзод этиб танловда аввал иштирок этган ва кейинги энг яхши яқуний бални тўплаган ёки мазкур Тартибда белгиланган тартибда шундай деб топилган шахсни белгилайди.

28. Агар Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларда давлат улушининг самарадор фойдаланилиши устидан мониторинг қилиш бўйича Комиссия томонидан, белгиланган тартибда ушбу шахснинг давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятининг бошқарув ва назорат органида олиб борган фаолияти натижасида қониқарсиз деб топилган бўлса, Кузатув кенгаши номзодни рад қилиш ҳуқуқига эга.

IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

29. Ушбу Тартиб Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

30. Мазкур Тартибни тасдиқлаш бўйича Кузатув кенгашининг қарори мажлисда иштирок этган Кузатув кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан ёки Кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан ўтказилган тақдирда кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

31. Мазкур Тартибга қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритилиши, Жамиятнинг Устави, ички ҳужжатларига ўзгартиш ва/ёки қўшимча киритилиши, Жамият ташкилий тузилмасининг ўзгариши муносабати билан ва бошқа ҳолатларда ўзгартиш ва/ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

32. Мазкур Тартибга ўзгартиш ва қўшимчалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Мазкур Тартибга ўзгартиш ва қўшимчаларни тасдиқлаш бўйича Кузатув кенгашининг қарори мажлисда иштирок этган Кузатув кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан ёки кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан ўтказилган тақдирда кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

33. Агар мазкур Тартибнинг алоҳидабандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва мазкур Тартибга тегишли ўзгартишлар киритилгунга қадар бу моддалар билан тартибга солинувчи масалалар қисмида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги меъёрлари ва/ёки Жамият Уставига амал қилиниши лозим.

34. Мазкур Тартиб талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

35. Жамиятнинг Кузатув кенгаши мазкур Тартиб талабларига риоя қилиниши устидан назорат қилади.

**«JAHON IXTISOSLASHTIRILGAN ARALASH MOLLARI SAVDO
KOMPLEKSI» АЖБош директори/Бошқарув аъзоси лавозимига номзодлар
тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

НОМЗОДНИНГ Ф.И.Ш.: _____

T/p	Баҳоланадиган мезонлар	Мезон бўйича максимал балл	Номзодда мавжудлиги (ха / йўқ)
I. ТАЪЛИМ			
1	Олий маълумотнинг мавжудлиги (муҳандислик, бакалавр ёки магистрлик дипломи)	15	
2	Хорижда олий маълумот олганлик дипломинингмавжудлиги	10	
3	Жорий ёки ўтган йилда малака оширганлик ёки қайта тайёргарлик олган гувоҳномаси мавжудлиги	5	
II. ИШ ТАЖРИБАСИ			
4	Давлат ташкилотлари, давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятларида маъмурий-бошқарувчи ходим лавозимларидаги иш тажрибаси		
	бир йилгача	2	
	1 йилдан 3 йилгача	3	
	3 йилдан 5 йилгача	4	
	5 йилдан кўп	5	
5	_____ тармоқ корхона ва ташкилотларида маъмурий-бошқарувчи ходим лавозимларидаги иш тажрибаси		
	бир йилгача	3	
	1 йилдан 3 йилгача	5	
	3 йилдан 5 йилгача	10	
	5 йилдан кўп	15	
6	Раҳбарлик лавозимларида директор, директор ўринбосари, менеджер ва бошқа лавозимлар) иш тажрибаси		
	бир йилгача	4	
	1 йилдан 3 йилгача	6	
	3 йилдан 5 йилгача	8	
	5 йилдан кўп	10	
III. БОШҚА МЕЗОНЛАР			
7	Номзодда давлат ёки тармоқ мукофотлари мавжудлиги	5	
8	Номзодда _____ йўналиши бўйича халқаро эътироф этилган статусининг мавжудлиги	5	

9	Номзод томонидан _____ йўналиши бўйича хорижда тажриба ортирганлиги	5	
10	Вазирлар Маҳкамасининг (ундаги Департаментнинг) ёки унинг негизда ташкил этилган давлат комиссиясининг номзодликка кўрсатиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хатини мавжудлиги	15	
11	Бошқа давлат органи ёки унинг негизда ташкил этилган давлат комиссиясининг номзодликка кўрсатиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хати ва олдинги иш жойидан камида учта ижобий фикрнома мавжудлиги	10	

Ушбу билан тасдиқлайманки, Номзодсифатидатаклифқилинаётганшахс:

тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлиши;

тегишли соҳада энг камида 5 йиллик иш стажига эга; бўлиши

ўтган 3 йил мобайнида якка тартибда ижро органи вазифасини бажармаган, коллегиял ижро органи таркибига кирмаган ёки мазкур шахснинг айби тўғрисида лицензия шартлари ва талабларининг бузилганлиги учун кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш учун лицензиянинг амал қилиши тугаган вақтда юридик шахснинг таъсисчиси бўлмаглиги;

ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида жиноят учун ёки бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун тугалланмаган судланганликка эга бўлмаган шахслар;

якка тартибда ижро органи вазифасини бажармаган, юридик шахснинг коллегиял ижро органи таркибига кирмаган шахс, мазкур шахс банкрот деб эътироф этилган бўлса ва эътироф этилиш давридан 2 йил ўтмаган бўлса;

кузатув кенгашининг бошқа аъзолари ёки хўжалик жамиятининг раҳбари билан қариндошлик ва қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик муносабатлари билан боғланмаган бўлса.

Аризада баён қилинган барча маълумотларнинг, шунингдек ушбу аризага илова қилинадиган ҳужжатлар ва материаллар таркибидagi маълумотларнинг ҳақиқийлиги, ишончлилиги ва ҳақиқатга мос бўлиши.

Юқорида келтирилган маълумотлар ҳақиқий, ишончли ва ҳақиқатга мос ҳисобланади.

Юридик шахс раҳбари лавозимининг кўрсатилиши ва асосий муҳр ёки юридик шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган унинг имзоси, ёки Ф.И.Ш., манзили ва жисмоний шахснинг ёзма ёки электрон имзоси билан тасдиқланган паспорт маълумотлари.

Эслатма:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланмаган номзодларга нисбатан талабгор томонидан ўзига маълум бўлган номзодга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш ҳужжатларини тақдим этилишини рад этилишига сабаб бўладиган маълумотлар тўғрисида қўшимча хабар берилади.